

МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА СОТИШ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Н.Абдусаломова*

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф металлургия саноати корхоналарида сотиш бюджетини шакллантириш тартибни, ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш мезонларини, корхонанинг маҳсулотга бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятлари, корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини зарур ресурслар билан таъминланиши, моддий ресурсларга эҳтиёж, сотиш бюджетини назорат қилиш тартибини алоҳида ёритиб берган.

Калит сўзлар: саноат, металлургия, бюджетлаштириш, сотиш бюджети, ишлаб чиқариш дастури, моддий ресурслар, реклама харажатлари бюджети.

Аннотация: В данной статье рассматривается порядок формирования бюджета продаж для предприятий черной металлургии, критерии расчета производственной программы, способность удовлетворять потребности предприятия в продукции, необходимое производство производственного программного обеспечения предприятия, материальные потребности и контроль бюджета продаж.

Ключевые слова: промышленность, металлургия, бюджетирование, бюджет продаж, производственная программа, материальные ресурсы, бюджет расходов на рекламу.

Annotation: This article discusses the order of formation of the sales budget for enterprises of ferrous metallurgy, the criteria for calculating the production program, the ability to meet the needs of an enterprise for products, the necessary production of an enterprise's production software, material needs and control of the sales budget.

Keywords: industry, metallurgy, budgeting, sales budget, production program, material resources, advertising expenditure budget.

Кириш


Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш натижасида республикаимиз саноат корхоналарини янада ривожланиши бухгалтерия ҳисоби олдида янги талаблар кўймоқда. Ушбу талаблар асосан, Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги[1] Қонуни ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланган концептуал қоидаларга асосланган. Улар негизида ҳар бир бухгалтерия ҳисоби субъекти ўзининг мавжуд шарт-шароитларига мос ҳисоб юритиш ҳамда ҳисобот тузиш услубларини шакллантириши лозим.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, улушини кўпайтириш»[2] вазифаси кўйилган. Бу борада саноатни янада ривожлантириш, унинг таркибида металлургия тармоғида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, тармоқни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш рақобат муҳитини шакллантиришдаги муаммоларни ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Бунинг учун қора металлургия саноати корхоналари молиявий фаолиятини бошқаришда зарур бўлган бошқарув ҳисоботларини шакллантириш учун керакли ахборотни олишга имкон берадиган бюджетлаштиришни акс эттирувчи ҳисоб-таҳлил жараёнларини ишлаб чиқиш зарур бўлиб ҳисобланади. Корхонани бошқариш жараёнида бюджетлаштиришни жорий қилиш учун ҳужжат алмашинувини тартибга солиш, тизимлаштирилган бошқарув ҳисоботларини жорий қилиш, ҳисоб-китоб ишларини автоматлаштириш, турли жараёнларлар учун маъсул бўлган мансабдор шахсларни белгилаш, маъсулият марказлари фаолиятларини оқилона ва самарали бошқаришга янги технологияларни қўллаш бутун ҳўжалик юритувчи субъектнинг ишини яхши ташкил этишга имкон беради. Шунингдек, бошқарув ҳисоби тизимининг такомиллаштирилиши унинг ишлашидаги мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдам бериши лозим, бу умуман корхона фаолияти самарадорлигининг ошишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мазкур тизимдаги мавжуд асосий муаммоли жиҳатларни татқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бюджетлаштириш атамасига кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан турли хил таърифлар берилган. Бюджетлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, хусусан, хорижлик олимлар ва мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари томонидан кенг ўрганилаган.

Аммо, иқтисодчи олимлар ўртасида “бюджетлаштириш” тушунчасининг моҳияти бўйича ҳали ҳам аниқ таъриф мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, бюджетлаштириш моҳиятини аниқлаш учун унинг асосий элементи “бюджет”ни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Аввало бюджетни иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий ва моддий нуқтаи назардан таҳлил қилиш зарур деб ҳисоблаймиз (1-расм).



1-расм. Бюджет тушунчаси мазмунини таҳлили¹

Қуйидаги жадвалда бюджетлаштиришга иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни таҳлил қиламиз (1-жадвал).

¹ Муаллиф ишланмаси

1-жадвал

**Бюджетлаштиришга иқтисодчи олимлар томонидан берилган
таърифларни таҳлили**

Муаллифлар	Бюджетлаштириш таърифи
Tanase G. Lidia [3]	Бюджетлаштириш – корхона бошқарув режаларини ва биринчи навбатда ишлаб чиқариш, маркетинг ва молия режаларини бирлаштирадиган режали бюджетларни ишлаб чиқиш ва шакллантириш жараёни
Я.В.Бекетов[4]	Бюджетлаштириш – опертив режалаштириш мақсадлари учун аниқ бюджетларни ишлаб чиқиш жараёни
И.А.Бланк[5]	Бюджетлаштириш операцион режалаштириш мақсадалрига мувофиқ бюджетни ривожлантириш жараёнидир
А.Г.Демченко[6]	Бюджетлаштириш – компаниянинг мақсадалрига эришишига қаратилган режалаштиришга асосланган бизнес бошқаруви жараёни
А.Е.Дмитриев[7]	Бюджетлаштириш – бир-бири билан боғлиқ бўлган бюджетлар мажмуи орқали компания бошқарув тизими
И.В.Захаров[8]	Бюджетлаштириш – бюджетларни доимий шакллантириш ва ижро жараёнидир
В.Б.Ивашкевич[9]	Бюджетлаштириш – иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилишга имкон берадиган бюджетлар ёрдамида маъсулият марказлари томонидан корхона ичидаги режалаштириш, қисқа муддатли режалаштириш ва ташкилот корпоратив бошқарув тизими
В.П.Савчук[12]	Бюджетлаштириш – бюджет тизими томонидан ҳужжатлаштириладиган корхонанинг келажадаги фаолиятини режалаштириш жараёнидир
В.Н.Самочкин[13]	Бюджетлаштириш – корхонадаги барча ҳодисаларни мақсадли ва мувофиқлаштириш, хавфларни аниқлаш ва уларнинг даражасини пасайтириб, ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлигини ошириш орқали корхонанинг самарадорлигини ошириш учун маълумотларни қайта ишлашга асосланган келгуси тадбирлар билан боғлиқ бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнидир
В.Скляренко[14]	Бюджетлаштириш – корхоналарнинг мақсадалрига мувофиқ бюджетларни ишлаб чиқиш, бошқариш ва назорат қилиш жараёнидир
Е.С.Стойнова[15]	Бюджетлаштириш – молиявий режалаштиришнинг ажралмас қисмидир, яъни моливий ресурсларнинг шакллантириш ва ундан фойдаланиш бўйича келгуси ҳаракатларнинг белгилаш жараёни
Е.Н.Харитоновна[16]	Бюджетлаштириш – ҳўжалик юритувчи субъектнингалоҳида бўлимларини келишиб бошқариладиган тизим бўлиб, у иқтисодий жиҳатдан ўзгариб бораётган бизнесда иқтисодий ахборотни мунтазам равишда қайта ишлаш асосида ташкил этилади, унинг асосий вазифаси корхонанинг иқтисодий ресурсларидаги ўзгаришларни ўз ичига олган барча воқеаларни мувофиқлаштириш орқали корхонанинг самарадорлигини ошириш
В.Е.Хруцкий[17]	Бюджетлаштириш – молиявий режалаштириш, даромад ва харажатларни назорат қилиш технологияси, лойиҳавий молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва улар асосида ресурсларни бошқариш
Н.Д.Шимширт[18]	Бюджетлаштириш – бизнеснинг стратегик мақсадларига эришиш учун пул ва натура кўрсаткичлари билан тавсифланган ресурсларни тақсимлаш (режалаштириш) учун бошқарув воситаси. Бундан ташқари, бюджетлаштириш корхонада корхона активларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланаётган манбаларнинг сифати ва олдиндан қабул қилинган қарорларни (назорат) таҳлил қилиш жараёни сифатида тақдим этиш мумкин
К.В.Щиборщ[19]	Бюджетлаштириш – корхонанинг мақсадалрига мувофиқ бюджетларни ишлаб чиқиш, назорат қилиш ва бошқариш жараёнидир
Т.П.Карпова[10]	Бюджетлаштириш - бу “корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини бошқариш усулидир”
Б.А.Хасанов [20]	Бюджетлаштириш-корхонанинг маълум даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳисобланади

Бизнинг фикримизча, бюджетлаштириш – бу шундай бошқарув технологиясики, у корхона бошқарувини, унинг замонавий талабларга ва унинг даражасининг у томондан қабул қилинадиган бошқарув қарорларига мос келиши билан белгиланади. Бюджетлаштириш солиқлар, иш ҳақи, шартномалар ва ҳоказолар бўйича тўловларнинг тегишли даражада ижро этилиши учун яратилганди. Бюджетлаштириш бошқарув ҳисоби ресурслар билан таъминлаш воситаси, у жавобгарлик марказларининг бюджетиларини ишлаб чиқиш, ижро этиш, бошқариш, таҳлил қилиш ва тузатиш босқичларини ўз ичига олади. Ҳозирда бюджетлаштириш сезиларли даражада кенгайган бўлиб, стратегик характерни ўзида мужассамлаштиради.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот иш жараёнида иқтисодий воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари–эспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, истикболли прогнозлаш ва бухгалтерия ҳисоби усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар


Шуни қайд этиш жоизки, корхонанинг савдо ҳажми бюджети ва унинг товар айланмаси корхона фаолиятининг умумий кўриниши ва даражасини олдиндан белгिलाган ҳолда, сотиш бюджетида белгиланган ахборотдан келиб чиқувчи аксарият бошқа бюджетларга таъсир кўрсатади.

Шу тариқа, сотиш бюджети ҳар бир корхона учун асосий бюджет ҳисобланади, айнан бюджет режалаштириш жараёни самарадорлиги унинг тўғри шаклланишига боғлиқ. Сотиш бюджетини тузиш корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини танлаш билан параллел ҳолда давом этиши керак (2-расм).

Фақат шу тарзда қуйидаги кўрсаткичлар асосида реал савдо ҳажмига эга бўлиш мумкин:

- мижозлар талабини прогноз қилиш;
- режалаштирилаётган давр бошига кўзда тутилаётган захиралар ва захиралар меъёри;
- ишлаб чиқаришнинг тўхташи ва таъмирлаш жадвалларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш;
- яримтайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларига ички эҳтиёж;

- хомашё ва материаллар етказиб берувчиларни таклифи.



2-расм. Сотиш бюджети таркиби²

Бўлимларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш ишларини бажариш тартиби цехлар бўйича буюмларни тақсимлашни, деталларни ишга тушириш-чиқариш, тезкор календарь режалари ва сменали-суткали топшириқларни шакллантириш етарлича мураккаб ва меҳнатталаб ҳисоб-китобга эга. Бу корхонада ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш соҳасида объектив қарорлар қабул қилиш учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш бир неча босқичдан иборат. *Дастлаб*, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати корхона маҳсулотининг меъёрдан ортиқ захиралар миқдори бўйича оширилади.

Иккинчи босқичда корхона таркибий бўлинмаларининг эҳтиёжларини қондириш ва меъёрлаштирилган қолдиқлар миқдорини таъминлаш учун ишлаб чиқариш дастури тузилади. Ушбу мақсадлар учун зарур маҳсулотларни

² Муаллиф ишланмаси.

ишлаб чиқариш бўйича дастур, яримтайёр маҳсулотлар ва тегишли маҳсулотлар талаб этилади.

Ҳисоб-китобнинг *учинчи босқичида* корхона мижозларининг талабларини қондириш имкониятини таҳлил қилинади. Ҳисоб-китоб шартномалар тартибига кўра, кетма-кет равишда амалга оширилади: битимлар камайиши орқали шартномалар амалга оширилади. Ҳар бир шартнома учун маҳсулотни, керакли яримтайёр маҳсулот ва тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун дастур белгиланади ва унинг ҳажмини мос равишда қисқартириш мумкин бўлади.

Якуний босқич маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назорат қилиш ҳисобланади. Агар турдош маҳсулот талаб қилинмаса, уни йўқ қилиш мумкин эмас (ёки йўқотиш учун жуда қиммат), агар омборларнинг қуввати кам бўлса ёки корхона айланма маблағларни ортиқча захираларга айлантира олмаса (бу мезонни ҳисоблаш бошлангунга қадар белгиланади), бунда турдош маҳсулот ишлаб чиқаришни камайитириш учун асосий маҳсулотни жўнатишдан бўйича тузилган шартномадан бош тортиш мумкин эмас.

Корхонанинг сотиш бюджети турли хил микро ва макроиктисодий омиллар, иқтисодиётнинг ҳолати бўйича маркетинг тадқиқотлари, хомашё ва материалларнинг муайян турлари, маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати, рақобатчилар, нарх-наво сиёсати ва маҳсулотларга талаб ва таклифни таҳлил қилиш ҳамда бошқариш натижалари асосида шаклланган савдо прогнози асосида тузилади[3].


Сотиш бюджети ташкилотнинг умумий бюджетини тузишда дастлабки ва энг муҳим бюджетдир. Сотиш бюджети товар тузилмаси корхонанинг барча фаолиятининг даражаси ва умумий хусусиятини олдиндан белгилайди, барча бюджетларга сезиларли таъсир кўрсатади. Сотиш бюджети инфляция даражасини инобатга олган ҳолда, натурал ва қийматли ифодада савдо ҳажми, баҳолар ўсишининг прогноз кўрсаткичларини ўз ичига олиши керак.

Сотиш бюджети маҳсулотни истеъмолчилар билан ҳисоблашнинг белгиланган қоидалари ва маҳсулот сотишни яхшилаш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар асосида сотишдан тушувчи пул тушумлари прогнози билан биргаликда кўриб чиқилиши керак. Ушбу прогноз давр охирида (қарзлар ва ўтган даврдаги баланслар), жорий даврда тўланиши керак бўлган қарз суммаси ва ҳар бир даврдаги савдодан тушган тушумларнинг суммаларини кўрсатади.

Корхонада маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи сотиш бюджетини шакллантириш асосий маълумот манбаси бўлиб уни ҳисоблаш методологияси режалаштирилган давр учун қуйидаги кўринишга эга бўлади.

Биринчи босқичда корхона маҳсулотининг ишлаб чиқариш миқдори аниқланади, бу тўғридан-тўғри ўзгарувчан харажатлар ва цех харажатларидан иборат. Бевосита ўзгарувчи харажатлар харажат меъёрлари ва ресурслар нархларини мувофиқ ўзгариш индексини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Умумий цех харажатларини тақсимоти маълум корхонанинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилган кўрсаткичларга мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш бюджетини назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб у қуйидаги кўринишда амалга оширилади (3-расм).



3-расм. Сотиш бюджетини назорат қилиш тартиби³

³ Муаллиф таклифлари асосида ишлаб чиқилган.

Иккинчи босқичда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ таннархи ҳисоблаб чиқилади. Умуман, умумишлаб чиқариш харажатлари корхона харажатларини ишлаб чиқариш харажатларига нисбати билан мутаносиб равишда тақсимланади. Агар мавжуд тизимда тавсия этилаётган алгоритм корхонани хусусиятларини аниқ акс эттирмаса, корхона харажатларини таснифлашнинг бошқа усулини аниқлаш имкониятини ҳам кўзда тутди.

Юқоридаги расмга асосан, сотиш бюджетини амалга оширилишини назоратини ташкил этишда аниқ мақсад белгиланиб, керакли таркибий бюджетлар шакллантирилади, белгиланган даврда бюджет кўрсаткичлари баҳоланиб, белгиланган меъёрдан четга чиқишлар аниқланади ва агар аниқланган четланишлар ишлаб чиқариш ҳажмига ёки маҳсулот таннархига таъсири юқори даража бўлса, дастлабки босқич қайта кўриб чиқилади, агар четланишларни таъсири сезиларли даражада бўлмаса белгиланган мақсад билан бюджетларни солиштирилади. Солиштириш натижасида четланишлар аниқланиб, уларни таъсири юқори деб ҳисобланса бажарилган амалларга керакли тузатишлар киритилади, агар четланишларни таъсири сезиларли даражада бўлмаса бюджет тасдиқланади ва амалга оширилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, сотиш бюджети режалаштирилаётган даврлар, товарлар (ишлар, хизматлар) турлари ва бутун корхона бўйича натурал ва қийматли ифодадаги сотувлар ҳажмини кўрсатади.

Сотиб олишлар ва заҳиралар бюджети технологик жараёнда хом ашё ва материалларнинг кутилаётган сарфланиши ва омбордаги заҳираларга боғлиқ бўлган асосий материаллар бўйича зарур бўлган сотиб олишлар ҳажми ишлаб чиқаришнинг умумий эҳтиёжларини акс эттиради.

Корхонанинг жами харажатларини бошқариш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг амалдаги ҳисоботига бошқарув ҳисоби усулларини ва бюджетлаштириш тизимини тадбиқ қилиш корхона мулки ва уни шакллантириш манбаларининг таркиби ва тузилмасини оптималлаштириш имконини беради ва шу тариқа солиқ юкининг камайиши, маҳсулот таннархини пасайиши ва корхонанинг молиявий барқарорлигининг ошишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. ЎРҚ-404-сон “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” 2016 йил 13 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

3. Tanase Gabriela Lidia. Difficulties of the budgeting Process and factors leading to the Decision to implement this management tool. *Procedia economics and finance* 15 (2014) 466-473.
4. Бекетов Н.В. Бюджетное планирование и бюджетирование на предприятиях // *Экономический анализ: теория и практика*. 2008. № 5. С. 14 – 17.
5. Бланк И.А. Стратегия и тактика управления финансами. – Киев.: МП «ИТЕМЛТД» СП «АДЕФ-Украина», 2005.-534 с.
6. Демченко А.Г., Агафонов А.А. Бюджетирование: Как попасть в цель? // *Финансовый менеджмент*. 2008. № 1. С. 70 – 75.
7. Дмитриев А.Е. Бюджетное управление: типичные ошибки // *Экономика. Финансы. Управление*. 2014. № 10. С. 91–99.
8. Захаров И.В. Программа внедрения процесса бюджетирования на предприятии // *Экономика с.-х. и перераб. предприятий*. 2008. № 11. С. 51 – 56.
9. Ивашкевич В.Б. Бухгалтерский управленческий учет: Учебник / В.Б. Ивашкевич. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Магистр: НИЦ ИНФРА-М, 2015. - 448 с.
10. Карпова Т.П. Учет, анализ и бюджетирование денежных потоков: Учебное пособие / Т.П. Карпова, В.В. Карпова. - М.: Вузовский учебник: НИЦ Инфра-М, 2013. - 302 с. (153 с).
11. Кукушкина Е.Е. “Бюджетирование в системе управления предприятием перерабатывающей промышленности”. *Вестник КГУ им. Н.А. Некрасова* ♦ № 4, 2011.
12. Савчук В.П. Финансовое планирование и разработка бюджетов. URL: <http://cfin.ru/management/budgeting/savchuk-6.shtml> (дата обращения: 01.02.2014).
13. Самочкин В.А., Тимофеева О.А., Калюкин А.А., Захаров Р.А. Учет риска при принятии управленческих решений на этапе формирования бюджета // *Менеджмент в России и за рубежом*. 2001. № 3. С. 21–30.
14. Складенко В. *Экономика фирм: словарь-справочник* / под ред. В. Складенко. М.: ИНФРА-М, 2015. -398 с.
15. Стоянова Е.С. *Финансовый менеджмент: теория и практика*. М.: Перспектива, 2010. 656 с.
16. Харитонова Е.Н. Основные концепции разработки бюджета экономического субъекта // *Вопросы формирования эффективного финансового менеджмента*. 2011. № 1. С. 48–49.
17. Хруцкий В.Е. Системы бюджетирования. Семь шагов по эффективной постановке бюджетирования. М.: Финансы и статистика, 2014. -176 с.
18. Шимширт Н.Д. Современная теория и практика финансового менеджмента на предприятии. Томск:Изд-во Томского ун-та, 2014. -348 с.
19. Щиборщ К.В. Бюджетирование деятельности промышленных предприятий России. М.: Дело и сервис, 2014.- 591 с.
20. Хасанов Б.А., Хошимов А.А. “Бошқарув ҳисоби” дарслик. Т.2014й.